

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА НОФИЛОЛОГИК ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТАЛАБАЛАР НУТҚ БИРЛИКЛАРИНИ АССОЦИАТИВ ЙЎНАЛИШДА ТАДБИҚ ЭТИШ

Жамолiddинова Мохинур Давлатжоновна

Хорижий тил ва адабиёт (инглиз) йўналиши талабаси,

Хорижий тил ва адабиёт факультети

Фарғона давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7601738>

Сўнгги йилларда жамиятда кечаётган ижтимоий ўзгаришлар, замон талабига жавоб бера оладиган етук кадрлар тайёрлаш масаласини жамиятимизнинг келгуси тараққиётига таъсир қилувчи энг муҳим масалалардан бири сифатида талқин қилинаётганлиги таълим жараёнида ҳам жиддий ўзгаришларни амалга оширишни талаб этмоқда. Жаҳон ҳамжамияти билан интеграллашув жараёнини таълимда ҳам хориждаги янги ўқитиш технологияларидан, бой тажрибадан фойдаланиш имкониятларини яратди. Бундан ташқари ҳозирги пайтда эришилаётган фан ва техника ютуқларидан, айниқса, тилшунослик, педагогика, дидактика, психолингвистика ва психология фанларида эришилаётган ютуқлардан таълим жараёнининг самарадорлигини оширишда фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги пайтда таълимдаги энг муҳим масалалардан яна бири ўқитиш мақсади, мазмуни, методлари, воситалари, ташкилий шакиллари ва ўқитиш жараёнида ўрганилаётган фан материали асосида билимлар бериш ва тарбиявий мақсадни амалга ошириш ҳисобланади.

Тил ўқитишдаги янги-янги йўналишлар ёндашув ва метод таъсирида юзага келди. Лекин, тил ўқитишдаги бу метод, ёндашувлар ўқитишнинг туб моҳиятини очиб бера олгани йўқ. юзага келган ёндашув ва методлар тилнинг у ёки бу соҳасини ўқитишга хизмат қилди, холос. Ҳеч бир назария, ёндашув ёки методлар тил ўқитишнинг умумий қирраларини қамраб олмади. Шундай бўлса-да, ҳозирги кунда тил ўқитиш метаназарий босқичга кўтарилди. Натижада тил янги босқичда антропоцентрик назария асосида талқин қилина бошланди. Унда марказий фигура сифатида инсон тушунила бошланди.

Бугунги замонавий тилшуносликнинг лингвопрагматика, лингвокультурология, психолингвистика, когнитив тилшунослик, этнолингвистика, дискурсив таҳлил каби йўналишлар қамровида чет тилини ўргатишда ўзаро мулоқот яратилиши ва идрокида шахс омили масаласи ўқитиш объектининг марказини ташкил этади.

Нофилологик олий ўқув юртларида чет тили ўқитишнинг муваффақияти ва самарадорлиги кўп жихатдан ўқув юртнинг датлабки чет тили дарси ва уни ташкил қилшдаги ўзига хослик, талабаларнинг ёш хусусиятлари шу босқич олдида қўйилган вазифа унинг мазмуни ҳамда чет тили ўқитишнинг ушбу босқичдаги бошланиши билан боғлиқ психологик-педагогик омиллар билан характерланади. Нофилологик олий ўқув юртларида чет тили ўқитишнинг қандай бўлиши кўп жихатдан олий таълимнинг дастлабки босқичда ўқитишни қандай ташкил қилинганлиги ва олиб борилишига боғлиқдир.

Нофилологик олий ўқув юртларида чет тили ўқитишни мутахасисликлари бўйича босқичларини фарқлаш хусусидаги илмий адабиётлар ва методик кўрсатмалар, келтирилган фикр мулохазаларга педагогик амалиёт давомида ва талаба ўқувчиларни дарс жараёнида кузатиш натижаларига таянган холда шуни айтиш мумкинки, дастабки босқич яъни биринчи ўқув йили учун ўқув материални танлашда, ушбу тил материали билан ишлаш усуллари аниқлашда, машқлар тузишда ва дарсни ташкил қилишда талабаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқмоқ керак. Яъни, бошқача қилиб айтганда, юқорида баён қилинган ишларнинг барчаси талаба ёш хусусиятлари ва унинг дунёқарашини ҳисобга олган холда амалга оширилмоғи керак.

Ўқиб – ўрганиш машаққатли меҳнат асосида олиб бориладиган фаолият эканлигини сира ҳам унутмаслик керак. Шунинг учун ҳам олий таълимнинг дастабки босқичда оғзаки нутқни шакллантиришда, яъни нутқий кўникмаларни ўстиришда ўқувчилар билимларини тайёр холда олиб, эслаб қолишларига эмас, балки уларни маълум меҳнат талаб қилувчи фаолият асосида шакллантиришга ҳаракат қилмоқ керак. Бундай фаолият талабаларда маълум бир ташаббускорликни, ақлий ва жисмоний зўриқиш, яъни ҳаракатни талаб қилувчи фаолият бўлмоғи керак. Ушбу фаолият давомида талабалар ўзларининг нутқий жараёнидаги иштирокига кўникиш хис қиладилар, бу эса уларда ижобий эмоцияни ҳосил қилади ва ўз кучларига бўлган ишончни ўстиради. Дарс жараёнида талабаларни қизиқишларини инобатга олган холда уларни эътиборсиз қолдирмаслик керак, шу ўринда уларни турли тўсиқлардан, қийинчиликлардан ўтишга ўргатмоқ керак. Шу боисдан олиб қараганда, чет тили мутахасислиги бўлмаган талабалар билан ишлаш талабадан ташаббускорликни, топқирликни ва тинмай изланишни талаб этади.

Шунингдек талабанинг нутқини ўстиришда доим таффакурга асосланиш зарур. Талабанинг диққат билан кузатиши, тушуниб олишга ҳаракат қилиши, эсда қолиши ва кузатишларини анализ қилиш билан турларга ажратиш, умумлаштириш, системалаштириш тушунтириш ва исботлаш билан боғлиқ холда олиб бориш таффакурга асосланган холда нутқ ўстиришни таъминлайд. Талаба учун чет тилида ўқиганларини режасиз сўзлаб бериш бироз осон лекин ўқитувчи уни ўз хикоясининг режасини тузиб олишга, ўқиган матнини қисмларга бўлишга ва ҳар бир қисмга сарловха тпишга ўргатиши, уни маълум изчилликда баён қилишга одатлантириш керак. Талабаларнинг нутқи ва фикрлаш қобилиятини ўстириш билан бирга, уларнинг ёзма нутқини ўстиришга, ўз фикрларини савиясига мос равишда саводли ёза олишларига ҳам алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Ёзма амалларни ташкил қилишдан олдин ўқитувчи:

- 1) хатонинг олдини олиш учун тахминий орфографик тайёргалик ўтказиши;
- 2) талабанинг луғатлардан фойдалана олиш қобилиятини ўстириши;
- 3) ижодий ишларни аста-секин мураккаблаштириб бориши керак.

Чет тилида нутқ фаолияти турларини яхши эгаллаши учун талабанинг сўз бойлигини ошириш, тилдаги ибораларни ўрганиш ва шу билан бирга, тил грамматикасини яхши ўрганиш талаб қилинади. Хотираси яхши талабалар чет тилига оид янги сўз ёки

ибораларни эшитганда яхши сақлаб қолади. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, талаба ўрганаётган чет тилидаги сўзларни муомалада кўп маротаба қайтарса бас, хотирага чуқур ўрнашиб қолади. Бунда, айникса, янги сўз ёки ибора иштирокида гап тузиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари сўзларни ён дафтарга ёзиб ўрганиш ҳам яхши натижа беради. Талабада турғун бирикмалар, барқарор иборалар, мақолматаллар тил хазинасида катта ўрин эгаллаб, нутқни мазмундор, жозибали қилиш билан бирга талабанинг тил бойлигини оширади. Нутқи равон бўлмаган талаба дарсни яхши ўзлаштириб олганда ҳам оғзаки жавобда кийналади, бунда талабанинг дарсга яхши тайёрланиб келгани кўринмай қолади. Бундай талабаларнинг чет тилида кўп мулоқот қилишга мажбурлаш керак. Жумладан, чет тилига оид воқеа –хикояларни, шунингдек, шеър, матн, диалог ва монологларни ёдлатиш ҳам яхши натижа беради. Шу нарсани айтиш жоизки, талабалар нутқини ошириш учун, қолаверса, билими бор талабанинг оғзаки ва ёзма нутқ кўникма ҳамда малакаларни эгаллаши учун турли анжуманларда қатнашиб, чет тилида нутқ сўзлашлари, маъруза сўзлашлари тавсия этилади.

Хулоса қилиб айтганда чет тили ўқитишни ташкил қилиш жараёнида ташқи оламнинг инсон психологик тасаввуридаги образи ва унинг тилда акс этиши муаммоси тахлилида чет тили ўрганувчиларни ўзга тилда гапиришга ўргатишда уларнинг тил ва нутқ захиралари, уларда жамланган бирликларнинг бир- бирини ёдга тушуриши, бунинг омиллари кабиларни текшириш долзарб муаммолардан бири саналади. Бу муаммолар тилшунослик ва чет тилини ўргатишда тил ва нутқ бирликларини ассоциатив йўналишда тадбиқ этиш заруриятини юзага келтиради.

References:

1. Жалолов Ж. Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Тошкент, 1996.
2. Зарипова Р. А. Чет тили ўқитиш методикасидан қўлланма, Т, 1986.
3. Цетлин В. С. Ўрта мактабда чет тили ўқитиш kursi. Тошкент, 1978.
4. Нурмонов А. Тилшунослик назарияси. Тошкент, 2008.
5. Нурмонов А. Тилшунослик ва табиий фанлар. Т, 2001.
6. Турғунбоев К. Педагогик маҳорат асослари. Андижон, 2002.